

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил март ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг судьяси Ш.Валиева, судья ёрдамчиси Ш.Махаммадалиевнинг котиблигида, тарафлардан Чуст тумани прокурори Х.Хакимов, айбланувчи Н.Амонжонов, жабрланувчи Д.Воҳидовнинг иштирокида, Амонжонов Нодирбек Сойибжон ўғлига нисбатан 1-1611-2602/111-сонли жиноят ишини кўриб чиқилди.

Амонжонов Нодирбек Сойибжон ўғли (Amonjonov Nodirbek Soyibjon o'g'li), 1998 йил 7 июнда Чуст туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 1 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, Чуст тумани, “Дехқонобод” МФЙ, Охунбобоев кўчаси, 188-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 10 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида айбланувчи ва жабрланувчини судга тақдим этган ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Амонжонов Нодирбек Сойибжон ўғли 2026 йил 12 январь куни соат 21:00 ларда бошқарувида бўлган “Lacetti” русумли 50Z380UA давлат рақам белгили автомашинани тегишли ҳужжатлар билан Чуст туман, “Гулистон” МФЙдан ўтган “Наманган-Пунгон” йўналишли “D-105” рақамли автомобиль йўлида “Пунгон” йўналиши томонга бошқариб бориб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-г-кичик бандидаги “Транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт, 77-банди 1-қисмидаги “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш



йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак”, 77-банди 2-қисмидаги “тезлик ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун транспорт ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак.” ҳамда 77-банди 3-қисмидаги “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасини тезлигини у тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириши чорасини кўриши шарт”-деб кўрсатилган қоида талабларига риоя қилмасдан, ўзининг автомобиль йўлининг ўзига нисбатан ўнг томондан чап томонга ҳаракатланиб кетаётган пиёда Д.Воҳидовни автомашинанинг олди томони билан уриб юбориб, Д.Воҳидов ҳаёт учун хавfli оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган тан жароҳати олишига сабабчи бўлган йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

РСТЭИАМНФ Чуст тумани бўлинмасининг 21.01.2026 йилдаги №98/96-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида, Д.Воҳидовнинг танасида бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, чап билак ва тирсак суякларини ўрта 1/3 қисмидан ёпиқ майдаланиб синиб силжиши, кўкрак қафасини ёпиқ синиши, чап томондан 3-4-5-6-7-қовурғаларининг синиб силжиши, чап томонлама гемопневмоторакс кўринишида бўлиб, соғлиғини узоқ муддатга бузулишига сабабчи бўлган ҳаёт учун хавfli оғир тан жароҳати олгани кўрсатилган.

Суд мажлисида айбланувчи Н.Амонжонов, жабрланувчи Д.Воҳидов судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Жабрланувчи Д.Воҳидов суд мажлисида ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, Н.Амонжонов томонидан етказилган тан жароҳати бўйича шифохонада даволангани, Н.Амонжонов даволаниш учун кетган сарф-харажатларни тўлиқ қоплагани, Н.Амонжоновга нисбатан даъвоси йўқлигини, соғлиғини тиклашга кетган харажатларни қоплаб бергани, ҳозирда соғлиғи яхшилигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилганини маълум қилиб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Айбланувчи Н.Амонжонов суд мажлисида ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, жабрланувчи Д.Воҳидовга етказган тан жароҳати бўйича уни шифохонада даволаниши учун кетган харажатларини қоплагани, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи Д.Воҳидовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганини, ЖПКнинг 583-моддаси талаблари унга тушунтирилганини маълум қилиб, ўзига нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Д.Вохидов ҳамда айбланувчи Н.Амонжоновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб чиқиб, давлат айбловчиси Х.Хакимовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини, айбланувчи Н.Амонжоновнинг айбига ихтиёрий иқрорлигини ва тарафларга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, жабрланувчи Д.Вохидовга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув айбланувчи ва жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг хоҳишларига кўра бўлаётгани, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини эътиборга олиб, жабрланувчига ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ярашув суд томонидан тасдиқланса, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириб, Н.Амонжоновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

- ажрим қонуний кучга киргач Н.Амонжоновга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилишни;

- жабрланувчи Д.Вохидовга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланган деб топишни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Амонжонов Нодирбек Сойибжон ўғли (Amonjonov Nodirbek Soyibjon o'g'li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач Н.Амонжоновга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Д.Вохидовга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланган деб топилсин.

Ашёвий далил деб топилган ҳодиса жараёни акс этган бир дона диск жиноят ишида сақлансин.

Ажримдан норози тараф ажрим эълон қилинган кундан, айбланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан



ўн сутка ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ш.Валиева

